

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ЎЗИГА ХОС ФЕНОМЕН

Амиров Зафар Актамович
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий мактаби доценти,
юримдик фанлар доктори(DSc),
e-mail:zafarkhanamirov@gmail.com

Аннотация:

Ушбу мақолада бола ҳуқуқлари ўзига хос феномен сифатида ўрганилиб, унинг ҳуқуқ сифатида эътироф этилишига қадар бўлган даврда давлатлар томонидан болаларга бўлган муносабатлар аниқ манбалар асосида таҳлил этилган. Жумладан, XIX асрнинг ўрталарига қадар болалар катталар билан тенг равишда барча жазоларга(хатто ўлим жазосига ҳам) тортилганлиги, давлатларга болаларга алоҳида ғамхўрлик қилиш мажбуриятини юклаган илк ҳужжат “Бола ҳуқуқлари декларацияси”нинг қабул қилиниши, шунингдек, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция ва уни ратификация қилган давлатлар ўз миллий қонунчилигини Конвенцияга мувофиқлаштириш мажбуриятини олишига оид масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: Бола ҳуқуқлари, болаларнинг ҳуқуқий мақоми, Женева декларацияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФнинг болаларга оид сиёсати, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Ўзбекистон қонунчилиги, халқаро ҳимоя, болалар меҳнати, вояга етмаганлар ҳуқуқи.

Introduction

Биринчи марта 1792 йилда Францияда "Бола ҳуқуқларининг эълон қилиниши" деб номланган ҳужжатда бола ҳуқуқлари ўзига хос феномен сифатида эътироф этилган¹. Бундан тахминан 150 йил олдин Швеция қонунлари отага болаларини жисмоний жазолаш ҳуқуқини берган². Болалар барча жазоларга тортилган. Жумладан, ўлим жазосига ҳам. Шунингдек, оғир ишларга ҳам жалб қилинган. XVII асрда инглиз қамоқхоналари 10-12 ёшли ўсмирлар билан тўла эди. Машҳур "Каролина"да эса қирол Карл Vнинг Жиноий-судлов бўйича тузук(қонун-қоидалар тўплами)ида (1532 й.) катта миқдорда ўғрилик содир этган ва оғирлаштирувчи ҳолатларда ўсмирларга ўлим жазоси ҳам назарда тутилган эди. Ушбу ўринда "ёмон ният ёш камчилигини тўлдиради" тамойили амал қилган. Гарчи "Каролина"да 14 ёшдан кичик ўсмирлар ўлим жазосига тортилмаслиги кераклиги айтилган бўлса-да, машҳур "ёмон ният" ибораси бу тақиқни осонгина четлаб ўтишга ёрдам берар эди. XIX асрнинг ўрталарига қадар вояга етмаганларнинг ёшини, ҳаётий тажрибасизлигини инобатга олиб, уларни одил

¹ Буданова Г.П. Права детей как концептуальная основа содержания деятельности уполномоченного по правам ребенка. // Права ребенка. Институт Уполномоченного по правам ребенка в Российской Федерации: опыт, проблемы, теоретические модели, нормативно-правовая база. М., 2001. С. 121.

² The first anti-spanking law in the world. Historical background to the Swedish legislation. Radda Barnen. Swedish save the children. 1994. P.1–2.

судловнинг жазолаш қиличига қарши ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилиш учун ҳеч нарса қилинмаган. Масалан, АҚШда вояга етмаганлар ва катталар учун тенг жиной жавобгарликни белгиловчи қонунлар амал қилган³.

Боланинг барча инсонлар билан бир хил ҳуқуқларга эга эканлигини инсоният XIX аср охири - XX аср бошларида англай бошлаган. Умуман олганда, дастлаб болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш эмас, балки кулликка, болалар меҳнатидан фойдаланишга, болалар савдосига ва болалар фоҳишабозлигига йўл қўймаслик учун кўриладиган огоҳлантириш чоралари кўриб чиқилган⁴.

Биринчи жаҳон уруши дунёнинг кўплаб мамлакатларига шавқатсизларча зарба бериб, ўзининг даҳшатли ҳосилини йиғиб олди. Унинг асосий қурбонлари кексалар, аёллар ва болалар эди. Унинг даҳшатли оқибатлари жаҳон ҳамжамиятини ҳар қандай урушда биринчи навбатда сиёсатчилар ва армиялар эмас, балки энг ҳимоясиз болалар азият чекишини тушунишга олиб келди. Натижада Европа ва Шимолий Американинг аксарият мамлакатларида болаларни ҳимоя қилиш муаммосига қизиқишнинг кучайиши 1919 йилда **Миллатлар Лигасини** (Женева, Швейцария) ҳамда болалар ҳуқуқларини қаровсиз болалар ва болалар меҳнати, куллик ва болалар савдосига нисбатан кўрилиши керак бўлган чоралар контекстида кўриб чиқадиган Болалар фаровонлиги қўмитасини тузиш заруратини келтириб чиқарди. Бу даврда болаларни ҳимоя қилишнинг ижтимоий стандартларини ишлаб чиқишда нодавлат ташкилотлар, хусусан, инглиз аёл ўқитувчиси Эглантайн ДЖебб томонидан асос солинган “Халқаро болаларни қутқариш иттифоқи” катта рол ўйнади. Шу муносабат билан Британия Халқаро болаларни қутқариш иттифоқи, Швед “Radda Barnen”ни⁵ ва Аёллар Лигаси каби халқаро ташкилотлар 1923 йилда Миллатлар Лигасига зудлик билан Бола ҳуқуқлари декларациясини⁶ қабул қилиш талаби билан мурожаат қилган. Шундан сўнг, бир йил ўтиб (1924 йил) Женевада Миллатлар Лигасининг 5-Ассамблеясида у имзоланди. Ушбу декларация болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган биринчи халқаро-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат бўлди. Женева декларацияси *(1924 йилги Бола ҳуқуқлари декларацияси шундай деб номланган)* болалар ҳуқуқларининг янада мустаҳкамланишига катта таъсир кўрсатган тарихий нуктага айланди. У стратегик йўналишни аниқ белгилаб берди. Унда “болаларнинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан етилмаганлигини ҳисобга олган ҳолда давлатлар уларга алоҳида ғамхўрлик қилишга мажбурдир”⁷ деган қоида қатъий мустаҳкамланди. Болаларни ҳимоя қилишнинг ҳаётий зарурлигини ва уни таъминлашдаги давлатнинг ролини англаш тарихда биринчи марта 20 йилларнинг бошларида Германияда Болалар тўғрисида махсус қонун қабул қилинишига олиб келди. У фашизм ҳокимият тепасига келгунга қадар кўп йиллар давомида амал қилган.

³ Мельникова Э.Б. Толковый юридический словарь школьника. М.: Вита-пресс. 2000. С.176.

⁴ Широ С.В. Права ребенка: необходимость внедрения новых механизмов защиты. Москва – Мурманск. 2009. Монография. Ст. 5-6.

⁵ Radda Barnen (Save the Children Sweden (Швеция болаларини ҳимоя қилинг)) – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш ташкилоти (Save the Children International)нинг Швециядаги бўлими номи.

⁶ Бола ҳуқуқлари декларацияси Миллатлар Лигасига Халқаро болаларни қутқариш иттифоқи томонидан тақлиф қилинган.

⁷ Сборник международных договоров. Нью-Йорк: ООН, 1989, С. 418.

Иккинчи жаҳон уруши Миллатлар Лигасини (тинчлик, тотувлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ташкил этилганига қарамай) ўзининг тарихий вазифасини бажаришга лаёқатсиз эканлигини кўрсатди. Шу муносабат билан у 1945 йилда тарқатиб юборилди ва дарҳол - шу йилнинг 25 октябрида Бирлашган миллатлар ташкилоти(кейинги ўринларда - БМТ) ташкил этилди.

Халқаро муносабатларда барча масалаларни ҳал этишда инсон ҳуқуқлари устуворлигини ва бола ҳуқуқларини умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисми сифатида инобатга олиниб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1946 йилда ЮНИСЕФ ёки бутун дунёда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий қафолати, механизми ҳисобланувчи БМТ Болалар жамғармаси (*дастлаб у БМТнинг Фавқулодда Халқаро Болалар жамғармаси деб аталган, чунки унинг асл мақсади урушдан кейинги давр болаларига ёрдам бериш эди*) ташкил этилган. Шу даврдан бошлаб болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоси халқаро даражага кўтарилди ва реал шаклларга эга бўлди. 1948 йилда БМТ бир нечта моддалари бевосита болаларга бағишланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилди. Унда "бола жисмоний ва ақлий жиҳатдан етилмаганлиги сабабли туғилгунга қадар ҳам, туғилгандан кейин ҳам махсус ҳимоя ва ғамхўрликка, шу жумладан тегишли ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлиши" қайд этилди.

Ундан сўнг 1959 йил 20 ноябрда Бола ҳуқуқлари декларациясини қабул қилинди⁸.

Ушбу декларацияда болаларнинг қуйидаги асосий ҳуқуқлари санаб ўтилган:

- тенглик, бола ҳуқуқлари манфаатларини энг яхши тарзда таъминлаш;
- исм ва фуқароликка эга бўлиш ҳуқуқи;
- соғлом ўсиш ва ривожланиш ҳуқуқи;
- жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга алоҳида эътибор бериш;
- муҳаббат ва тушунишга бўлган ҳуқуқ, оилада бўлиши янада афзалроқ;
- таълим олиш ҳуқуқи;
- ҳимоя ва ёрдам олишда биринчи навбатда бўлиш;
- бепарволик, шафқатсизлик ва эксплуатациядан ҳимоя ҳуқуқи;
- ирқий, диний ёки бошқа камситишдан ҳимоя ҳуқуқи.

Декларация давлатлар, умуман жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини болаларга қаратди, улар олдида болаларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжат яратиш заруриятини қўйди. Кейинчалик у қўллаб давлатларнинг ёш авлодга нисбатан сиёсатини ўзгартиришга сезиларли таъсир кўрсатди⁹.

З.К.Шнекендорф Декларациянинг роли ва аҳамиятини таҳлил қилар экан, шундай дейди: "Дунёда юз берган ўзгаришлар ва болаларнинг оғир аҳволи жаҳон ҳамжамиятидан янги ҳужжат қабул қилишни талаб қилди. Яъни унда болаларнинг ҳуқуқлари нафақат декларацияланиши, балки ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи юридик нормалар ҳам қайд этилиши лозим. БМТ томонидан Бола ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинганидан

⁸ Декларация прав ребенка. Принцип 1. Принята резолюцией 1386 (XIV) Генеральной Ассамблеи ООН от 20 ноября 1959 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/childdec.shtml

⁹ Широ С.В. Права ребенка: необходимость внедрения новых механизмов защиты. Москва – Мурманск. 2009. Монография. Ст. 6-7.

кейин йиллар давомида кўплаб тасаввурлар ўзгарди, янги тушунчалар пайдо бўлди ва бола ҳуқуқлари концепцияси янада кенг тус олди"¹⁰.

БМТ Бош Ассамблеяси 1979 йилни “Халқаро бола йили” деб эълон қилди. Бу билан у нафақат жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини болалар аҳволига яна бир бор қаратди. Балки дунёни оддий мушоҳададан болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ ҳаракатларга ўтишга мажбур қилди. Ўша йили болаларни жисмоний жазолаш қонун билан тақиқланган дунёдаги биринчи давлат Швеция бўлди¹¹.

1989 йилда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция 1959 йилги Бола ҳуқуқлари декларациясининг мантикий ривожини бўлди. Конвенция бола ҳаётининг фаолиятининг деярли барча соҳаларини қамраб олади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция дунёнинг барча мамлакатлари учун тенг аҳамиятга эга. Унинг универсаллиги шундаки, у болаларни ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш механизмининг яратиб, турли мамлакатларнинг миллий, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ривожланиш шароитларини ҳисобга олади.

Конвенция уни ратификация қилган барча давлатлар зиммасига ўз миллий қонунчилигини зудлик билан қайта кўриб чиқиш ва уни Конвенцияга мувофиқлаштириш мажбуриятини юклайди, болалар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан халқаро назорат механизмининг ўрнатади.

Ўзбекистон ушбу Конвенцияни ратификация қилгандан(1992 йил)¹² сўнг, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор миллий қонун ҳужжатларини қабул қилди ёки мавжуд қонунларга ўзгартиришлар киритди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни (07.01.2008 йил. ЎРҚ-139-сон), “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун (14.11.2024 йил. ЎРҚ-996-сон), Меҳнат, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари ва х.к.

Масалан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 32-моддасида иштирокчи-давлатлар ушбу модданинг амалга оширилишини таъминлаш учун бошқа халқаро ҳужжатларнинг тегишли қоидаларига амал қилган ҳолда, “ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш ёки энг кичик ёшларни белгилайдилар”, “иш кунининг давомийлиги ва меҳнат шароити тўғрисидаги зарур талабларни аниқлайдилар” деб, белгилаб қўйилган. Ушбу қоида ва “Ишга қабул қилиш учун минимал ёш тўғрисида”ги 138-конвенция талаби асосида Ўзбекистон Республикасининг **Меҳнат кодексига** ўзгартириш киритилиб, энгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун энг кичик ёш чегараси ўн беш ёш этиб белгиланди. Яъни, ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий камол топишига зиён етказмайдиган, ўқитиш жараёнини бузмайдиган энгил меҳнатни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун ишга қабул қилишга — улар **ўн беш**

¹⁰ Шнекендорф З. К. Младшим школьникам о правах ребенка. Пособие для учителя. М.: Вита-пресс. 1997. С.13-14.

¹¹ The first anti-spanking law in the world. Historical background to the Swedish legislation. Radda Barnen. Swedish save the children. 1994. P.1–2.

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида” Қарори, 09.12.1992 йил. 757-XII-сон

ёшга тўлиши билан(эски қоида бўйича ўн тўрт ёш эди) ота-онадан бирининг (ота-онасининг ўрнини босувчи шахснинг) ёзма розилиги билан йўл қўйилиши белгиланди. Шунингдек, ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун қисқартирилган иш вақти давомийлиги қуйидагича белгиланди:

 **16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун ҳафтасига – ўттиз олти соатдан** ошмайдиган;

 **15 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар учун ҳафтасига – йигирма тўрт соатдан** ошмайдиган иш вақти белгиланади.

Ўқув йили давомида ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг иш вақти давомийлиги ёшга доир рухсат этилган иш вақти энг кўп давомийлигининг ярмидан ошиши мумкин эмас. Масалан, бунда 17 ёшли ўқувчининг иш вақти ҳафтасига 18 соатдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун ҳар кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги эса, қуйидагилардан ошиши мумкин эмас:

 **15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ходимлар учун — олти кунлик иш ҳафтасида — тўрт соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида — беш соатдан;**

 **16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун – олти кунлик иш ҳафтасида — олти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида — етти соату ўттиз дақиқадан;**

 ўқув йили давомида ишни ўқиш билан бирга олиб борувчи умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг **ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилари учун — олти кунлик иш ҳафтасида — икки соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида — икки соату ўттиз дақиқадан;**

 **ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилари учун эса олти кунлик иш ҳафтасида — уч соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида — тўрт соатдан.**

 саккиз ёшгача бўлган ходимларни хизмат сафарига юбориш, тунги ишларга, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги ишларга жалб қилиш тақиқланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияни бола ҳуқуқлари соҳасида инсоният томонидан тўпланган барча тажрибаларни ўзида бирлаштирган, уларни ҳимоя қилишни таъминлайдиган энг муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат дея, эътироф этиш мумкин.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. <https://lex.uz/docs/6257288>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://www.lex.uz/acts/111453>
3. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://www.lex.uz/acts/97664>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни (07.01.2008 йил. ЎРҚ-139-сон).

5. Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида химоя қилиш тўғрисидаги қонун (14.11.2024 йил. ЎРҚ-996-сон).
6. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция. <https://lex.uz/docs/2595913>
7. Декларация прав ребенка. Принцип 1. Принята резолюцией 1386 (XIV) Генеральной Ассамблеи ООН от 20 ноября 1959 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/childdec.shtml
8. Сборник международных договоров. Нью-Йорк: ООН, 1989, С. 418.
9. Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138-конвенция. <https://lex.uz/docs/2756292>
10. Буданова Г.П. Права детей как концептуальная основа содержания деятельности уполномоченного по правам ребенка. // Права ребенка. Институт Уполномоченного по правам ребенка в Российской Федерации: опыт, проблемы, теоретические модели, нормативно-правовая база. М., 2001. С. 121.
11. Мельникова Э.Б. Толковый юридический словарь школьника. М.: Вита-пресс. 2000. С.176.
12. Широ С.В. Права ребенка: необходимость внедрения новых механизмов защиты. Москва – Мурманск. 2009. Монография. Ст. 5-6.
13. Шнекендорф З. К. Младшим школьникам о правах ребенка. Пособие для учителя. М.: Вита-пресс. 1997. С.13-14.
14. The first anti-spanking law in the world. Historical background to the Swedish legislation. Radda Barnen. Swedish save the children. 1994. P.1–2.